

МАМЛАКАТИМИЗ ЛОГИСТИКА ТИЗИМИДА ЦИСТЕРНАЛАРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАВФСИЗ ТАШУВИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18446492>

Абдусалом Ортиқович Назаров

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда хавфли кимёвий моддалар ташиган цистерналардан озиқ-овқат маҳсулотлари ташишда фойдаланиш билан боғлиқ тизимли муаммолар ва уларнинг аҳоли саломатлигига хавфи таҳлил қилинади. Мақолада соҳадаги бўшлиқларни тўлдириш учун юклар тарихини акс эттирувчи электрон платформани жорий этиш ҳамда халқаро ADR стандартларига мувофиқ ихтисослаштирилган сертификатланган автоювиш станциялари тармоғини ташкил этиш бўйича амалий таклифлар илгари сурилган.

Таянч сўзлар

озиқ-овқат хавфсизлиги, хавфли юклар, цистерналар, логистика, санитария ва дезинфекция, электрон платформа, ADR стандартлари.

ПЕРСПЕКТИВЫ БЕЗОПАСНОЙ ПЕРЕВОЗКИ ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТОВ В ЦИСТЕРНАХ В ЛОГИСТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЕ НАШЕЙ СТРАНЫ.

Абдусалом Ортиқович НАЗАРОВ

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируются системные риски, связанные с использованием цистерн, ранее перевозивших опасные химические вещества, для транспортировки пищевых продуктов в Узбекистане. Автор указывает на необходимость внедрения электронной платформы для мониторинга истории грузов и создания специализированных сертифицированных станций дезинфекции, соответствующих стандартам ADR, в промышленных и логистических центрах страны.

Ключевые слова

продовольственная безопасность, опасные грузы, цистерны, логистика, санитария и дезинфекция, электронная платформа, стандарты ADR.

Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, аҳолининг хавфсиз овқатланишини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистонда хавфли юклар ташувини амалга оширувчи цистерналар ташув тарихи (аввал ушбу цистернада қандай товарлар ташилганлиги бўйича) йўқлиги сабабли уларда озиқ-овқат ташилаётганлиги эҳтимоллиги мавжудлиги ҳамда бу каби цистерналар озиқ-овқат ташуви учун махсус умумий автоювиш жойлари йўқлиги ушбу қонун амалдаги ижросига тўсиқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари бу каби тартиботларнинг мамлакатимизда йўлга қўйилмаганлиги аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказиб қўйиши мумкин.

Қуйида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда потенциал хавфнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар келтирилган.

Ўзбекистонда одатда импорт қилинган кунгабоқар уруғлари суюқ ҳолатга келтирилгач, кейинги тозалаш жойига етказиб бериш учун цистерналарда ташилади. Бу ҳолатда суюқликни ташувга қабул қилиб олган цистерна олдин қандай маҳсулотларни ташувини амалга оширгани бўйича ҳеч қандай маълумот бўлмайди. Цистерналарда асосан сут, ёғ маҳсулотлари, сироп ва ичимликлар ташилади.

Агарда аввал ушбу цистернада захарли моддалар ташилган бўлса, ушбу цистернада озиқ-овқат ташувини амалга ошириш хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунинг учун эса хавфли моддалар ташувини амалга оширадиган цистерналар тарихини юритувчи махсус электрон платформа жорий қилиш талаб этилади. Озиқ-овқат ташимокчи бўлган ҳайдовчи авваламбор ушбу платформа орқали текширувдан ўтгандан сўнг, илгари хавфли моддалар ташимаганлиги маълум бўлгачгина унга цистернада озиқ-овқат ташувига рухсат берилиши керак.

Цистерна озиқ-овқат ташиш учун қайта ишлатилишидан олдин уларнинг тўлиқ санитария ва дезинфекция жараёнидан ўтгани текширилиши керак. Акс ҳолда ушбу вазиятда турли салбий ҳолатлар келиб чиқиши мумкин. Хусусан, 2000-2010 йиллар давомида Янги Зеландияда сут маҳсулотлари ва ёғлар экспортида санитария қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда цистерналар орқали озиқ-овқат ташиш ҳолатлари кузатилган. Натижада, салмонелла (бактерия) ва бошқа микроблар юқишига сабаб бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш камайишига ва экспортнинг чекланишига олиб

келган. Шу каби ҳолат АҚШда ҳам кузатилган бўлиб, инсонлар орасида овқатдан заҳарланиш ҳолатлари кўпайишига олиб келган.

Бундан ташқари, 2010 йилда Италия ва Испанияда санитария талабларига риоя қилинмаган цистерналарда озиқ-овқат маҳсулотларининг ташилиши туфайли инсонлар орасида гастроинтестинал касалликлар (ошқозон-ичак), қонга микроблар кириши ва уларнинг бузилиши каби нохуш ҳолатлар кузатилган.

Европада заҳарли газ ташиш учун ишлатилган цистерналарни озиқ-овқат ташишда ишлатиш тақиқланган. Хавфли юклар (масалан, аммиак, хлор, метан ва бошқалар) юқори даражада заҳарли бўлиши ва уларнинг цистернада қолган қолдиқлари озиқ-овқатни чиритиш, уларнинг сифати ёки хавфсизлигини бузишга олиб келиши мумкин. Бундай газлар ўткир аллергия реакциялар, нафас йўллариининг зарарланиши, ичак тизимига таъсир ва бошқа саломатлик билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Заҳарли газлар ва кимёвий моддаларнинг қўлланилиши озиқ-овқат маҳсулотларида уларнинг тўлиқ зарарланишига, токсинлар ишлаб чиқаришга ва уларнинг истеъмол учун хавфли бўлишига олиб келиши мумкин.

Агар цистерна заҳарли газлар ташиш учун ишлатилган бўлса, унинг қайта ишлатилишига жуда эҳтиётлик билан ёндашиш керак. Цистерна мукамал тозаланган ва дезинфекция қилинган бўлиши керак. Шунга қарамай, бу каби цистерналарни озиқ-овқат ташишда қайта ишлатиш ортиқча хавфни келтириб чиқариши мумкин.

ADR (European Agreement concerning the International Carriage of Dangerous Goods by Road) ва RID (Railway International Dangerous Goods) каби стандартлар кимёвий моддалар ва хавфли газлар ташиш учун аниқ белгиланган қоидаларни тартибга солади. Бу стандартларга мувофиқ озиқ-овқатни ташиш учун ушбу цистерналар қайта ишлатилмайди. Бу каби цистерналардан озиқ-овқат ташишда фойдаланиш хавфсизлик талабларига жавоб бермайди ва озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши мумкин.

Ҳозирда мамлакатимизда бу каби тартибот ҳам текширув ҳам мавжуд эмас. Агар ҳайдовчига белгиланган компенсацияга эга бўлган ҳолда цистернада ёғ ташиш вазифаси таклиф қилинса, у ҳолда, ҳатто кечагина метан ташишда фаолият юритган ҳайдовчи ҳам эртага ёғ ташишни амалга ошириш эҳтимолига эга. Бу каби цистерналарда кимёвий моддалар ва зарарли газлар қолдиқлари мавжуд бўлиши мумкинлиги сабабли, озиқ-овқат хавфсизлигига тўғридан-тўғри таҳдид солиши эҳтимоли мавжуд.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бу каби тартибот ва текширув механизми мавжуд эмас. Агар ҳайдовчига цистернада ёғ ташиш таклиф қилинса, ҳатто пропан ташишда фаолият юритган ҳайдовчи ҳам ёғ ташишни амалга ошириш эҳтимолига эга. Бунинг натижасида, цистернада кимёвий моддалар ёки зарарли газлар қолдиқлари мавжуд бўлиши эҳтимоли ортиши мумкин. Бу ҳолат, ўз навбатида, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга таҳдид солиши ва оқибатда аҳоли соғлиғига тўғридан-тўғри хавф солиши мумкин.

Илгари заҳарли моддалар ташилган цистерналар қайта ишлатилиши керак бўлса, уларнинг тўлиқ дезинфекция қилиниши, зарарли қолдиқлардан тозаланиши ва санитария кўрсаткичларига мувофиқ бўлиши шарт. Бунинг учун эса махсус автоювиш (мойка) жойлари бўлиши талаб этилади.

Хавфли юклар ташийдиган цистерналар учун махсус умумий автоювиш жойлари Россияда 50 та, Нидерландияда 20-30 та, Бирлашган Қиролликда 15-25 та, Белгияда 10-20 та, Италия ва Испанияда 20-30 та атрофида ўз иш фаолиятини юритади. Ушбу автоювиш жойлари асосан хавфли юклар ишлаб чиқариладиган катта портлар, саноат зоналари ва логистика марказлари яқинида қурилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда хавфли моддалар ташувини амалга оширган цистерналар учун автоювиш жойлари мавжуд эмас. Бу каби автоювиш жойлари фақатгина кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда мавжуд бўлиб, улар ҳам ўз автотранспорт воситаларига хизмат кўрсатади холос. Барча шахслар учун мўлжалланган автоювиш жойлари эса мавжуд эмас.

Таклифлар:

хавфли юклар ташувини амалга оширувчи цистерналар ташийдиган юклар тарихини акс эттирувчи электрон платформани ташкил этиш (Ушбу ахборот платформасини Инновацион ривожланиш агентлигида илмий лойиҳани қўлга киритиб яратиш);

барча хавфли юк ташувчилар учун мўлжалланган махсус умумий автоювиш жойларини саноат зоналари ва логистика марказлари яқинида тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. <https://www.nejm.org/doi/full/10.1056/NEJM199605163342001>
2. <https://www.efsa.europa.eu/en/efsajournal/pub/2597>
3. <https://unece.org/transport/dangerous-goods/adr-2025-files>

4. <https://www.eftco.org/cleaning-stations>